

**Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига асосан 2025 йилга
мўлжалланган инвестиция ўзлаштириш прогнозлари бўйича
МАЪЛУМОТ**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 31 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2025 йилга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 53-ХДФУ-сонли қарорига асосан, Жамият томонидан жорий йилда 3 та лойиҳа бўйича жами 35,1 млн доллар ўзлаштирилиши белгиланган.

Жумладан:

1. “Газ тармоқларидан метан ташланмаларини қисқартириш” лойиҳаси доирасида жами **3,1 млн доллар** (*тўғридан-тўғри хорижий инвестиция*);

2. “Ўзбекистонда газ тақсимлаш тизимларини модернизация ва реконструкция қилиш” лойиҳаси доирасида жами **2 млн доллар** (*Жамият ўз маблағи*);

3. Газ тақсимлаш тизими бошқарувига тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш лойиҳаси (пилот лойиҳа) доирасида жами **30 млн доллар** (*тўғридан-тўғри хорижий инвестиция*).

Рахбарият топшириғига асосан Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида белгиланган намуна асосида тармоқ жадваллари ишлаб чиқилди ва **7 февраль** куни Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги билан келишган ҳолда имзоланиб Вазирлар Маҳкамасига топширилди.

Инвестиция дастурида январь-март ойларида жами **0,9 млн доллар** хорижий инвестициялар ўзлаштириш белгиланган бўлиб, амалда **4,2 млн доллар** тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилди (январь-март ойи режага нисбатан - 466%, йиллик режага нисбатан – 12%). Бунда:

1. “Газ тармоқларидан метан ташланмаларини қисқартириш” лойиҳаси доирасида март ойида жами **0,3 млн доллар** (тўғридан-тўғри хорижий инвестиция) белгиланган бўлиб, амалда **0,3 млн доллар** (режага нисбатан - 100%) тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилди.

2. Газ тақсимлаш тизими бошқарувига тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш (пилот лойиҳа) доирасида январь-март ойларида ўзлаштириш белгиланмаган бўлиб, амалда **3,0 млн доллар** тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилди.

*Маълумот учун: Давлат Хусусий Шерикчилик асосида амалга ошириладиган лойиҳалар учун хужжатларни таёрлаш мақсадида Осиё Инфратузилма Инвеститсия Банки (АИБ) билан консултант сифатида музокара ўтказилди. Музокара давомида Осиё Инфратузилма Инвеститсия Банки (АИБ) вакиллари “Самарқанд вилоятидаги газ тармоқларини модернизатсия қилиш ва хусусий сектор бошқарувига бериш” юзасидан ДХШ хужжатларни ишлаб чиқишга келишилди ва **3,0 млн доллар** банк маблағлари ҳисобидан грант ажратилганлигини маълум қилди.*

2025 йил апрель ойида Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурида жами **0,2** млн доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция, **0,4** млн доллар ўз маблағларидан инвестициялар ўзлаштириш белгиланган. Белгиланган топшириқларни сўзсиз таъминлаш мақсадида, амалда **0,6** млн доллар **инвестициялар** ўзлаштириши кутилмоқда (*0,2 млн доллар тўғридан-тўғри инвестициялар, 0,4 млн доллар ўз маблағлари ҳисобидан*) (*март ойи режага нисбатан – 100 фоиз*).

Бундан ташқари, инвестицияларни ўзлаштиришни янада жадаллаштириш мақсадида бир нечта хорижий компаниялар билан музокара ўтказиб ҳамкорлик ўрнатиш режалаштирилган. Хусусан, Туркиянинг AKSA Dogalgaz компанияси билан табиий газ тармоқларини модернизация қилиш ва хусусий сектор бошқарувига бериш, Туркиянинг Unal mekanik ва GSG GAZ компаниялар билан Бухоро вилоятида газ қувурларни янгилаш бўйича (дастлабки қиймати **17 млн доллар**), Жахон банки гранти асосида ер ости газ қувурлардан газ сизиб чиқиш ҳолатларни олдини олиш бўйича (дастлабки қиймати – **10 млн доллар**), шунингдек Австриянинг Fiber Pipe компанияси, Япониянинг ITO компанияси, Туркиянинг “С.С.А. Elektrik Elektronik Sanayi ve Ticaret A.Ş.” компанияси ва Швейцариянинг MBSI компаниялари билан истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ишлар олиб борилмоқда..